

ХАБАРЛАР

Трамп: АҚШ Украинага Patriot ракеталарини ишлаб чиқариш учун лицензия беради

дақиқа аввал



НАТО саммити доирасида Украина президенти билан учрашган АҚШ президенти Дональд Трамп Қўшма Штатлар Украинага Patriot ракеталарини ишлаб чиқариш учун лицензия беришини айтди.

Шу билан бирга, у Россия ҳам, Украина ҳам урушни якунлашни хоҳлаётганини таъкидлади.

- Биз сизларга Patriot тизимларини ишлаб чиқариш учун лицензия берамиз. Бу жуда ажойиб, тўғрими? Шундай қилиб у, уларга етарлича ёрдам бермаяпмиз деб биздан шикоят қила олмайди. Мен унга: “Ўзингиз ишлаб чиқаринг”, дедим. Биз бу

ҳақда компанияни ҳали хабардор қилганимиз йўқ, лекин бу муаммо ҳал бўлади. Ҳа, ишончим комилки, улар бундан хурсанд бўлишади, деди АҚШ президенти.

Зеленский АҚШда ишлаб чиқарилган баллистик ракетага қарши ушбу тизимни қайта-қайта сўраб келмоқда. Чунки у Украина арсеналида баллистик ракеталарни уриб тушира оладиган ягона қурол бўлиб, бундай ракеталарнинг юқори тезлиги ва тик учиб траекторияси уларни тўхтатишни жуда қийинлаштиради.

Трампнинг айтишича, урушдаги ҳар икки томон ҳам уни яқунлашни истайди, аммо Россия президенти Владимир Путин ҳам, Украина президенти Владимир Зеленский ҳам феъли оғир инсонлар ҳисобланади.

"Биз кўплаб урушларни яқунладик ва менимча, шу урушни тугатиш энг осони бўлиши мумкин, деб ўйлагандим. Аммо Путиннинг феъли оғир, бунинг ҳам феъли оғир", деди Трамп ёнида ўтирган Зеленскийга ишора қилиб.

Зеленский Трамп билан муҳим тафсилотларни муҳокама қилмоқчи эканини айтди.

"Ишончим комилки, сиз бу урушни тўхтатиш учун қўлингиздан келган барча ишни қиласиз", деди у Трампа.

Сўнгги ойларда Москва Украинага қарши ҳаво ҳужумларини кучайтирди. Бу - Россиянинг қуруқликдаги илгарилаши деярли тўхтаб қолгани ва Украинанинг Россия ҳарбий логистикаси ҳамда нефт саноатига ҳужумлари кенг кўламли ёқилғи тақчиллигини келтириб чиқаргани билан изоҳланмоқда.

Расмийлар маълум қилишича, Россия Киевга яна баллистик ракеталар учирган. Бу - бир ҳафтадан кам вақт ичида Украина пойтахтига қилинган учинчи ҳужум бўлиб, Россия Украинада АҚШда ишлаб чиқарилган ҳаво мудофаа ракеталари танқислигидан фойдаланмоқда.